

## Ғийбатнинг тақсимлари (3-қисм)



17:25 / 17.01.2018 5113

### Тўртинчи тақсим

**2. Либос ғийбати.** Кишининг либосини ғийбат қилиш, масалан, фалончи гадойларга ўхшаб кийинади, ҳаром либос кияди, ипак кўйлак кияди, бузуқларга ўхшаб кийинади, шими тўпиғидан пастга тушиб туради ва ҳоказо деб гапиришдан иборатдир.

**Ҳикоя.** Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида бир аёл ҳақида «Унинг этаги узун» деб гапирдим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Тупур, тупуриб ташла!**» дедилар. Тупурган эдим, оғзимдан бир парча гўшт тушди». [\[1\]](#)

**Тавсия.** Аввалги олимлардан бири: «(Камситиш ниятида) фалончининг кийими калта ёки узун десанг, уни ғийбат қилган бўласан», деб айтган.<sup>[2]</sup>

**3. Насаб ғийбати.** Насаб ғийбати деганда фалончининг насаби яхши эмас ёки унинг ота-бобоси тайин эмас, зоти паст ёки шажараси номаълум ва ҳоказо гапларни айтиш тушунилади.

**Ҳадис.** Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «**Ҳеч бир одамнинг иккинчи одамдан дин ёки солиҳ амалдан бошқа нарсада ортиқлиги йўқ**», дедилар, яъни одам бошқалардан дини ёки солиҳ амали билангина устун, афзал бўлади, насаби билан эмас.<sup>[3]</sup>

Насаби билан фахрланиш, бошқаларнинг насабини айблаш энг ёмон иллатлардан биридир. Иншааллоҳ, бу ҳақда ғийбатнинг сабаблари баёнида муфассал сўз юритамиз.

«?Ғийбат ўзи нима»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

**Таржимон:** Ёрқинжон Фозилов

<sup>[1]</sup> «Ат-Тарғиб ват-тарҳиб».

<sup>[2]</sup> «Танбеҳул ғофилин».

<sup>[3]</sup> Абдулваҳҳоб Шаъроний «Кашфул ғумма» китобининг «Одамларни таҳқирлаш» бобида келтирган.